КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 15 (9.207) 1999 йил 8 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак.*

Ислом КАРИМОВ

**Муносабат**

## ТАРИХ КЎЗГУСИДА — КЕЛАЖАК АКСИ

### Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларини ўқиб...

*Маълумки, Юртбошимиз бошчилигида Истиқлол байроғи кўтарилиши билан ўзлигини англашга чанқоқ халқимиз ўз тарихи, ўтмишини ўрганишга киришди. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзликни англаш — тарихни билишдан бошланади», деган ҳикматли гаплари миллат ва халқимиз учун даъват бўлиб янгради.*

Тарихимизга бўлган жиддий қизиқиш бизга ўтмишдаги буюк алломаларимизни қайтарди, мустаҳкам йирик давлатга асос солган буюк бобомиз Амир Темурни берди.

Ҳудуди етти иқлимни қамраган буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг мустаҳкам давлат тузиш, мамлакатни адолат ва инсоф билан бошқариш бўйича тажрибаларининг умум мулкига айланиши янги шароитларда ўзбек давлатчилигини шакллантиришда қимматли манбаа бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фақат ўз ворисларигагина эмас, балки бутун авлодларга қимматли мерос бўлиб қолган «Темур тузуклари»ни ҳар биримиз ўз қўлимизга олиб, мутолаа қилиш, ундаги олам-олам маъноларни туйиш шарафига муяссар бўлдик. Шуни ҳам айтиш кераккки, «Тузуклар»да буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний бобомиз қарашлари ўз ривожини, даврга мос равишда такомилини топди. Аллома ўз орзуларини амалга оширишда кўпроқ динга суянган бўлса, буюк Соҳибқирон амалиётчи, буюк давлат арбоби сифатида реал ҳаёт талабларидан келиб чиқиб иш кўрди.

Юртбошимиз яқингинада «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоб беркан, тарихдан сабоқ олишнинг муҳимлигига тўхталиб, Амир Темур ва у тузган буюк давлатни эсладилар. «Куч — адолатда» деган шиор Амир Темур давлати сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганлигини алоҳида ҳурмат билан таъкидладилар. Шу жиҳатдан Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг-а: **«Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки, оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови ва шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.**

**Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга — фуқаролар розилиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин».**

Биз учун энг қимматлиси шундаки, бу гаплар саккиз йилдирки, ўз амалий ифодасини топиб келмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқнинг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаб, кучли ижтимоий-сиёсат тамойили асосида босқичма-босқич рўёбга чиқаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Жамиятимиздаги бугунги барқарорлик, тинч-тотувлик, буюк яратувчилик кучи, айтиш мумкинки, халқимизнинг ўзлигига қайтиши, буюк тарихи, маънавиятидан олаётган чуқур сабоқларимиз, бу ишда Президентимизнинг бош-қош бўлаётганлари самарасидир. Йўлбошчимизнинг таъбири билан айтганда, тамал тоши қўйилаётган ўзбек давлатчилиги ана шундай буюк маънавий меросимизга асосланар экан, XXI аср ўзбек халқи ва давлати учун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олган, янги авлодларимиз буюк бобокалонлари руҳини янги-янги кашфиётлар, янги тараққиётга, юксак маънавият ва маданиятга эришган ҳолда хушнуд этадиган йиллар бўлади.

*Саид ВАЛИЙ.*

## ЎТГАНЛАР ЁДЛАНИБ, ТИРИКЛАР ҚАДРЛАНУР

*Ўтганларни хотирлаш ва тирикларни қадрлаш азал-азалдан халқимиз учун ҳамма нарсадан устун саналган. Шу боис ҳам Юртбошимизнинг пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдонида айтган сўзлари ҳар бир инсон қалбини тўлқинлантириб юборди. 9 Майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши ҳамшаҳарларимиз дилидаги гаплар эканлигини кетма-кет билдирилаётган қалб изҳорлари ҳам тасдиқлаб турибди. Турли жабҳаларда меҳнат қилаётган аёлларимиз ҳам Президентимизнинг таклифларини чин дилдан маъқуллашмоқда.*

**● Муяссар Фозилбекова, Собир Раҳимов тумани, Тошкент тажриба-механика экскаваторларни таъмирлаш заводи касаба уюшмаси раиси:**

— Президентимиз барчага маъқул келадиган таклифни билдирганликларини жамоамиз аҳли ҳам якдиллик билан таъкидламоқда. Ўзбек халқида азалдан ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш одати бор. Хотира ва қадрлаш куни эса ана шу яхши одатимизни яна бир бор мустаҳкамлашга, ҳар бир одамнинг дилига эзгу ниятлар солишга хизмат қилади.

Корхонамизда ҳам меҳнат қилган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари кўпчиликни ташкил этади. Албатта, уларнинг кўнглини кўтариш, кўмак бериш ҳамда ҳамиша эъзозда тутишга ҳаракат қиламиз. Хотира ва қадрлаш кунининг белгиланиши эса бизни бундан-да хайрли ишларга ундайди. Шу боис ҳам жамоамиз аҳли билан маслаҳатлашиб катта тадбир ўтказишга қарор қилдик. Тадбиримиз тўрида кекса фахрийларимиз эъзозда бўлсалар, ўтганларни бир-бир ёдга олиб, уларнинг хотираларини қалбларга абадий муҳрлаймиз. Зеро, бугун бу ерда меҳнат қилаётган ёш авлод улардан ибрат олсин.

**Хотира ва қадрлаш — муқаддас туйғу**



**● Ҳури Алихўжаева, Чилонзор тумани, Лутфий номли маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси:**

— Президентимизнинг бунёд бўлаётган Хотира майдонида туриб айтган ҳар бир сўзлари қалбимга муҳрланди десам муболаға бўлмайди. У киши ўтганларни хотирлаш ҳақида алоҳида тўхталар эканлар, шу билан бирга уларнинг ишларининг давомчиси бўлган тириклар ҳақида ҳам эътиборли гапларни айтдилар. Ён-атрофимиздаги дўсту қадрдонларимиз, қарияларимиз, ота-оналаримизни қадрлаш ҳам юксак бурчимиз эканлигини таъкидладилар.

Менинг турмуш ўртоғим ҳам урушда қатнашганлар. Лекин 14 йилдирки, орамизда йўқлар. Хотираларини эса доимо ёдга оламиз. Шу боис ҳам Хотира майдонининг бунёд этилишини биз жуда мамнуният билан қарши олдик. Чунки фаровон турмушимиз, келажак авлод бахт-саодати йўлида умрини бахшида этганларни доимо хотирлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

**● Рисолат Бобоева, Авлоний номли маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Ҳаёт бор экан, туғилиш ва ўлим бўлади. Тириклар доимо ўтганлар хотирасини ёдда тутиб, эъзозлашни ўзлари учун фарз деб биладилар. Шу боис ҳам Йўлбошчимизнинг шаҳид кетганларни хотирлаш ҳамда кексаларимиз, бизга ҳаёт бахш этган ота-оналаримизни қадрлаш ҳақида билдирган фикрлари ҳар биримизни тўлқинлантириб, қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Маҳалламиз аҳли Хотира ва қадрлаш куни ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватламоқдалар. Шаҳримизда бунёд этилаётган Хотира майдони эса энг табаррук қадамжога айланишини таъкидламоқдалар. Чунки майдонга ташриф буюрган ҳар бир пок ниятли инсон шаҳид кетган юртимиз фарзандлари хотираси олдида, Мотамсаро она ҳайкали пойида бош эгадилар.

*Шарофат БАҲРОМОВА ёзиб олди.*

**Ободонлаштириш**

## ШОДИЁНА ЯҚИН

*Шаҳримизда жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсата оладиган яна бир тўрт юлдузли «Буиг» меҳмонхонаси қад кўтарганидан оқшомхонлар хабардор албатта.*

16 қаватдан иборат бўлиб, 250 ўринга мўлжалланган бу кошонада пардоз ишлари ҳам деярли ниҳоясига етди. Франция, Испания, Португалия сингари тараққий этган мамлакатлардан таклиф этилган сайқалловчилар ўз ишларини маромига етказиб бажаришди.

Бугун меҳмонхона атрофи янада гавжумлашиб кетди. Бу ерда ободонлаштирувчилар тезкорлик билан иш олиб боришмоқда. Улар орасида турли соҳа хизматчиларини учратиш мумкин. Муҳими, улар аҳил ва ҳамкорликда меҳнат қилиб, топширилган вазифани аъло даражада бажаришга эришмоқдалар.

Ҳамшаҳарларимиз орзиқиб кутаётган шодиёна — меҳмонхонанинг очилиш кунлари эса тобора яқинлашиб келмоқда.

*Мақсуд ҚОБУЛОВ.*

**Соғлом авлод учун**

## МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг дефектология факультетида ногирон болалар учун болалар педагогик реабилитация маркази иш бошлади.

Ушбу марказ ногирон болаларнинг жўшқин ҳаётда соғлом кишилар билан бирдай фаолият юргизишларида муҳим омил бўлади.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

**Қурилиш**

## ЯНА УЧТА БИНО

Эски шаҳарнинг Сағбон-Форобий ҳамда Сағбон кўчаларида бир нечта янги турар жой бинолари қад кўтармоқда. «Таъмирлаш-қурилиш» ҳиссадорлик жамияти бош пудратчилик қилаётган бу қурилиш майдонида ҳамиша иш қизғин. Қурувчилар ҳар бири 12та оилага мўлжалланган учта тўрт қаватли уйни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун астойдил тер тўкишмоқда. Бу уйларга ўрнатилаётган ром ва ойналар хориждан келтирилган бўлиб, улар қишда хонага иссиқлик бағишлаб, ёзда эса уларнинг салқин бўлишини таъминлаб туради.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

● Иқтисодиёт ● Ижтимоий соҳа ● Маданият

● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР ●

**Тақдимот**

## БЕБАҲО ВА ЗАРУР АСАР

*5 февраль куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Маънавий юксалиш йўлида» асарининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

Уни республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбари Неъмат Аминов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев Президентимизнинг ушбу «Маънавий юксалиш йўлида» асарининг маънавиятимиз ва маърифатимизнинг юксалишда тутган беқиёс аҳамияти тўғрисида гапирди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан адабиётшунос Султонмурод Олимов, «Миллий тикланиш» партияси марказий кенгашининг раиси Иброҳим Ғофуров, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари Садир Салимов Йўлбошчимизнинг ушбу асари маърифат аҳли учун ғоят зарур қўлланма эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Тақдимот маросимида «Олтин мерос» жамғармаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлимлари вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқди.

*(Ўз мухбиримиз).*

**Театр**

## ЯНГИ БИНОДА — ЯНГИ МАВСУМ

*6 февраль куни Ўзбекистон театр жамоатчилиги учун, хусусан Ўзбекистон академик рус драма театрининг шинавандалари учун унутилмас кун бўлиб қолади.*

Шу куни театр санъати ишқибозлари мамлакатимизда санъатнинг ана шу турига катта аҳамият берилаётганлигининг яна бир бор шоҳиди бўлдилар. Пойтахтимиз марказида бутунлай ўзгача гўзал қиёфада очилган янги бинода ўзининг 64-мавсумини бошлаган ушбу театр жамоаси, бу ерга ташриф буюрган кишилар Президентимизга, давлатимизга улар тўғрисида кўрсатилаётган катта ғамхўрликлар учун дил сўзларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ўз сўзида театрнинг ушбу янги биносида барча шароитлар муҳайё этилганини таъкидлаб, мамлакатимизда фан ва маданиятга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги хусусида тўхталди. Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов янги муҳташам бинонинг рамзий калитини театр жамоасига тантанали равишда топширди.

Ушбу маросим қатнашчилари Президент Ислом Каримов номига миннатдорчилик мактуби қабул қилдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев қатнашди.

*(Ўз мухбиримиз).*



*«Шарқ гули» акциядорлик жамиятида кечагина ўрта ҳунар-техника билим юртини муваффақиятли тугаллаб, бу ерга келган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар корхонанинг кекса мураббийси Марҳамат Пўлатовадан каштачиликнинг нозик сирларини ўрганишади.*

*СУРАТДА: ана шундай чевар каштачи қизлардан бир гуруҳи.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Ислом Каримовнинг «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» номли китобини кўп нусхада босмадан чиқарди. Бу китобда Президентимизнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг берган саволларига жавоблари тўла ўрин олган.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлди.

● Навоий вилоятида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 558 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шаҳардаги «Фарҳод» маданият саройида шоир таваллуди кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. (Алишер Навоийнинг 558 йиллик қутлуғ санасига бағишланган материалларни газетанинг 3-бетида ўқийсиз).

● Пойтахт вилоятининг Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган «Бунёдин» болалар дастасига Президентимизнинг совғалари топширилди.

● Ўтган шанба куни пойтахт вилоятининг Ғазалкент шаҳри 35 ёшга тўлди.

● Тошкентда «Нафосат» хусусий фирмаси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу фирманинг асосий вазифаси тушки овқатларни одамларнинг уйига элтиб беришдан иборатдир. Уруш ва меҳнат фахрийларига бундай хизмат 50 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

● Республика Байналмилал маданият марказида доимо фаолият кўрсатадиган «Миллатлараро тотувлик — барқарорлик кафолати» семинарининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● Самарқандда ўз ишини бошлаган Ўзбек — Бельгия қўшма корхонасида гиламлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

● Ўтган шанба куни Фарғонада «Пахтакор-79» командасининг хотирасига бағишланган анъанавий футбол турнирининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

● Россия ҳукумати парламент аъзоларига жорий йилда фахрийларга имтиёзлар бўйича, шунингдек, болаларнинг нафақаларини тўлаш бўйича бир қанча қонунларнинг фаолият кўрсатишини тўхтатишни таклиф этди.

● **Эртага** Италия ҳукумат делегациясининг Москвага расмий ташрифи бошланади.

● Россия Федерацияси Президенти ўз Фармони билан Ингушетия Президентининг 28 февралда республикада референдум ўтказиш тўғрисидаги Фармонининг ҳаракат қилишини тўхтатди. Бинобарин, ушбу Фармон Россия Конституциясига зид келиши боисидан Ингушетия Президентига ана шу Фармонни бекор қилишни таклиф этди.

● **Бугун** Ереванда парламентнинг навбатдан ташқари мажлиси очилади. У мухолифатчиларнинг талаби билан чақирилмоқда.

● Ўтган шанба куни уч мингдан зиёд ҳибсдаги кишилар Туркманистоннинг 15 та қамоқхонасидан озодликка чиқарилдилар. Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов уларни афв этиш тўғрисидаги тегишли Фармонга имзо чекди. Бу — жорий йил бошидан бери эълон қилинган тўртинчи амнистиядир.

● Иордания Подшоси Ҳусайн рак хасталигидан сўнг ҳаётдан кўз юмди. Мамлакатда 40 кунлик мотам эълон қилинди. Дафн маросими бугун ўтказилади.

● Кеча АҚШ Президенти Билл Клинтон қисқа ташриф билан Иорданияга келди. У шаҳзода Абдуллоҳ билан учрашди. АҚШ Президенти Иорданияга 300 миллион доллар ҳажмда қўшимча молиявий ёрдам кўрсатишга ваъда берди.

● **Бугун**дан бошлаб Украинанинг бир қатор шаҳарларида грипп хасталиги оммавий тус олганлиги боисидан мактаблардаги машғулотлар икки ҳафтага бекор қилинади.

● Украина жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш учун АҚШдан 195 миллион долларга яқин маблағни олиши мумкин.

● **Кеча** кечқурун Париж яқинида Косово муаммосини бартараф этиш бўйича музокаралар бошланди. Музокараларда халқаро воситачилар иштирок этишмоқда.

● Жанубий Африка Республикаси пойтахтида Албаниянинг собиқ қироли Лека ҳибсга олинди. Полициянинг тинтуви пайтида унинг уйидан қурол-яроғлар, ўқлар ва портловчи моддалар топилди.

● Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссиясининг раҳбари Ричард Батлер ўз лавозимидан кетиш режасида эканлигини айтди.

● Эрон космосга йўлдошларни чиқаришга мўлжалланган ракеталарнинг янги двигателини синовдан ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу синов эртага армия майдонларидан бирида ўтказилиши керак.

● Жанубий Корея пойтахтида, Олимпия стадионида ажойиб бир тадбир ўтказилди. Бу ерда дунёнинг барча бурчакларидан келган бир неча ўн минглаб ёшларнинг никоҳ маросими ўтказилди.

● Лондон метроси Англияда биринчилардан бўлиб ўз ходимларининг гиёванд моддаларини истеъмол қилиш ёки истеъмол қилмаслигини мажбурий тарзда текширувдан ўтказишни бошлади.

● Италиянинг унча катта бўлмаган шаҳарларидан бири прокуратурасининг хизматчиси иш вақтида газета ўқиганлиги учун тўрт ойлик қамоқ жазосига ва катта миқдордаги жаримага тортилди.

**Янги нашрлар**

## FIDOKOR

*Мамлакатимизда чоп этилаётган нашрлар қаторига яна бир нашр — Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг газетаси — «Фидокор» газетаси ҳам қўшилди.*

Газетанинг нишона сони Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» сарлавҳаси остида ёритилган.

Янги нашрнинг ҳар бир саҳифасини варақлар экансиз, унинг саҳифаларида соғлом фикрловчи, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш йўлида ҳаракат қиладиган Фидокорлар партиясининг мақсад ва вазифаларини англатувчи ранг-баранг мақолаларини ўқийсиз. Буни газетанинг рукнларидан ҳам яққол сезишингиз мумкин. Жумладан, «Фикрга қарши фикр», «Тўғри сўз», «Жаҳолатга қарши маърифат», «Сиёсий иқлим», «Менга сўз беринг», «Озодлик — ободлик», «Истиқлол ҳимоясида» рукнлари ана шулар жумласидандир. Газетада босилган «Ватан ифтихорлари» рукни остидаги «Ойижонимни, Ватанимни, ҳаммангизни соғиндим...» сарлавҳа остидаги машҳур шахматчимиз Рустам Қосимжонов билан телефон орқали мулоқот ҳеч кимни асло бефарқ қолдирмайди. Газетадаги «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Дунё, дунё...» рукни остида эълон қилинган доноларнинг маслаҳати ва дунё хабарлари ҳам муштарийларда қизиқиш уйғотиши турган гап.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари чиқадиган «Фидокор» газетаси муштарийларини ўзининг нишона сонида эълон қилган сермазмун мақолалари сингари яна хушнуд этиб бораверади.

Ҳамкорлик

# МАМЛАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ИТТИФОҚ

***Жаҳондаги энг нуфузли уюшмалардан бири бўлмиш Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Ҳамдўстлик Мамлакатлари орасида иккинчи бўлиб ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги ҳужжатга имзо чеккан. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар қандай кечаётганлиги тўғрисида биз Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университетининг халқаро алоқалар ва сиёсатшунослар кафедраси мудири, профессор Раҳмон Фармонов билан суҳбатда бўлдик.***

**— Аввало Европа Иттифоқининг юзага келиш тарихи тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Европа Иттифоқи бугунги ҳолига келгунга қадар ярим аср вақт ўтди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар кескинлашган бир пайтда Франция ташқи ишлар вазири Морис Шуман 1951 йилда Ғарбий Европа мамлакатларини иқтисодий-сиёсий жиҳатидан бир-бири билан яқинлаштиришга уринди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққани ҳолда 1951 йилда олтита давлат, унинг ташаббускори бўлиб, биринчи навбатда Франция бўлса, уни қўллаб-қувватлаган давлат ГФР бўлди. Кейинчалик бу иккала давлатни Италия ҳам қўллади.

Шу йили Европада кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бирлиги ёки ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекилди. 1957 йилга келиб, мана шу давлатлар ўзаро келишиб, Европа иқтисодий ҳамкорлигига асос солишди. Бу баъзи бир адабиётларда Европа умумий бозори ҳам деб юритиладиган бўлди. 1957-70 йиллар бошларига қадар Англияга ўхшаган мамлакатлар бу ҳамкорликка қўшилмади. Англиянинг ўзига хос мавқеи маълум. Яқинда бўлиб ўтган АҚШ ва Ироқ масалаларида ҳам Англия кўпроқ АҚШни қўллаб-қувватлади. Ўша пайтдаги Франциянинг раҳбари Шарл Де Голь ҳатто Англиянинг Европа иқтисодий ҳамкорлигига киришига қарши чиқди. 1973 йилга келиб эса Англия иқтисодий ҳамкорлик қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб унга қўшилди. 1986 йилга келиб Европа иқтисодий ҳамкорлиги мамлакатлари ёки умумий бозор мамлакатларининг аъзолари сони 12 тага етди.

Дунёда жуда кўп иттифоқлар, ташкилотлар мавжуд. Лекин ҳеч қайсиси Президентимиз таъкидлаганларидек, Европа Иттифоқи мамлакатларига мансуб бўлган давлатлардек интеграциялашув жараёнини босиб ўтган эмас.

**— Раҳмон ака, суҳбатимиз ўз-ўзидан Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқага тақалиб келди. Албатта мана шу Европа Иттифоқи билан республикамиз ҳамкорликни йўлга қўйса биз учун манфаатли бўлур эди. Ҳозирда Европа Иттифоқига 15 та давлат аъзо бўлса, шу кунга қадар бу давлатларнинг 14 таси ҳужжатларини ратификация қилди. Яъни ҳамкорликка розилик билдирдилар. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги бугунги кунда нималарда ўз аксини топмоқда?**

— Дарҳақиқат, 1996 йил июль ойида Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқига мансуб бўлган 15 та давлат раҳбарлари билан бизнинг давлатимиз раҳбари учрашдилар. Бу учрашувда жуда катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат имзоланди. Имзоланган ушбу ҳужжат Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорликдан иборат эди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон бу масалада ҳам собиқ иттифоқ ҳудудида жойлашган республикалар ичида Россиядан кейин иккинчи бўлиб Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик турли соҳаларда олиб борилади. Иқтисодиёт, маданият, илм-фан, ҳатто сиёсий соҳалар бўйича ҳам ҳамкорлик кенг йўлга қўйилади. Маълумки, бу нуқтаи назардан 1997-98 йиллар жуда баракали йил бўлди. Масалан, Европа Иттифоқининг Трасека лойиҳасини олайлик. Бу лойиҳадан асосий мақсад — Осиё мамлакатларини Марказий Осиё орқали Европа Иттифоқига мансуб бўлган давлатларни бир-бири билан туташтириш. Бундан ташқари Каспий денгизи орқали Кавказорти давлатлари, Қора денгиз ва Европага чиқиш йўлини юзага келтиришдир. Шунинг учун Ўзбекистоннинг бевосита Европа Иттифоқи билан қилаётган ҳамкорлиги республикамизнинг бошқа ташкилотлар ва иттифоқлар билан қилаётган алоқаси орасида алоҳида ўрни бор. Бу шерикчилик ва ҳамкорлик айтиб ўтганимдек турли соҳаларда ўз аксини топади.

Ўзбекистон учун аҳамиятли томони шундан иборатки, биз ҳуқуқий демократик жамият барпо этаяпмиз. Ана шу нарсани амалга оширишда ҳам бизга Европа Иттифоқи мамлакатларининг тажрибаси қўл келиши мумкин. Яна бу ҳамкорлик Европа Иттифоқи учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам тенг манфаатлидир. Ва қолаверса ушбу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг дунё миқёсида ўзининг овозига эга бўлиб бораётганлигидан далолат беради.

*Отабек ДАВРОНБЕКОВ суҳбатлашди.*

Ҳаж

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН УЛУҒ НЕЪМАТ

***Иймонли, диёнатли мўмин-мусулмонларимиз муборак Ҳаж сафарига отланадиган кунларга ҳам оз вақт қолди. Энг муҳими, ҳар доимгидек фуқароларимизга муборак Ҳаж амалларини адо этишда қулайликлар, имтиёзлар ва керакли шарт-шароитларни яратиш борасида давлат кўмагини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори чиқиб, амалий ёрдам кўрсатиш ишлари бошлаб юборилди. Хўш, исломнинг бешинчи аркони ҳисобланмиш муборак Ҳаж сафарининг моҳиятлари, унинг савоблари қандай, ушбу амални адо этиш учун қанақа талаблар қўйилади, бу борада маҳаллаларга қандай ваколатлар берилган, давлат томонидан қай тариқа кўмак кўрсатиляпти? деган саволларнинг юзага келиши табиий. Биз муштарийларимизни қизиқтираётган юқоридаги саволларга батафсил жавоб олиш мақсадида Тошкент шаҳар Бош имом хатиби Абдуқодир ҳожи Мардон ҳожи ўғиллари билан суҳбатлашдик.***

— Озод ва обод, ҳур диёрнинг фуқароси этиб, ислом динининг соҳиби қилиб барчамизни яратган Оллоҳга беадад ҳамдлар бўлсин. Истиқлол шарофати, Юртбошимизнинг Фармонлари билан улуғ ибодатларни адо этишлик учун мусулмонларга катта имкониятлар яратилди. Алҳамдулиллоҳ, мўмин-мусулмонлар учун улуғ неъмат ҳисобланмиш динимизга берилган эркинлик туфайли исломнинг барча бешта рукнини адо этишлик учун диёримизда ҳеч қандай тўсқинлик йўқ. Зеро, хоҳлаган инсон иймон келтиради, хоҳлаган фуқароларимиз намоз ўқийди, истагани рўза тутади, аҳд қилганлар ўз ихтиёрларига биноан закот берадилар. Юқоридаги барча рукнларни адо этган, молу дунёси етарли бўлган ҳар бир балоғатга етган оқил, соғлом аҳли ислом, аҳли иймонларга Ҳажга боришлик фарз қилинган ва юртимизда мўмин-мусулмонларга бунинг учун барча тегишли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Шуни айтиш керакки, 632 милодий, 10 ҳижрий йилда Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳи алайҳи вассаллам ўзларининг 100 минг саҳобалари билан Ҳаж арконларини илк бор адо этганлар.

Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўзининг муқаддас каломида марҳамат қилади: «Йўлга қодир, молу дунёси етарли, йўллари очиқ, хавф-хатар йўқ инсонларга Ҳаж қилиш фарз этилди».

Ҳазрати сарвари коинот пайғамбаримиз ҳам: «Кимики Ҳаж қилса, ўша Ҳаж мавсумида фисқ-фасодга берилмаса, ёмон сўзларни гапирмаса, ўша ҳолатда у ўз Ватанига қайтса барча гуноҳлардан фориғ бўлиб бамисоли онадан туғилган боладек пок бўлади», дея таъкидлаганлар. Жаноби сарвари коинотнинг: «Ҳаж бу — машаққатдир», деган ҳикматлари ҳам бор. Ушбу ҳикматдан келиб чиқадики, аввалaмбор Ҳаж учун йиғиладиган мол-дунёни ҳалол йиғилишнинг ўзи катта машаққат. Оллоҳнинг марҳамати, раҳмати, иноятидан умид қилган ҳолда беш вақт намозни адо этишлик ҳам фақат сабрли, иймонли бандаларга насиб этади. Муборак Рамазон ойида рўза тутишлик ҳам катта синов ва машаққатдир. Инчунун, молларидан камбағал-мискинларга закот бериш ҳам, бандалар учун муҳим синовдир. Лекин мўмин-мусулмонларнинг бу синовларга қаноат, сабр-тоқат билан амал қилганлари Яратганнинг улуғ марҳаматларига сазовор бўлишади.

«Ҳар хил фисқу фасод, туҳмату бўҳтонлардан тилларини тийиб, Ҳажнинг фарзу, суннату вожиб амалларини ҳаётга тадбиқ қилган Муҳаммад умматига Оллоҳнинг мукофоти — жаннатдир», деган Ҳадиси Шарифлар ҳам бор.

Лекин бундай мукофотларга эришишлик, жаннатга сазовор бўлишлик учун бизнинг диёримиздан кетадиган мўмин-мусулмонларнинг ҳеч бир ақлга тўғри келмайдиган ҳолатларига ҳам баъзан дуч келиб турибмиз. Масалан, Ҳажга боришликнинг ўзи инсон умрида бир марта фарз қилинган. Ҳазрати Пайғамбаримизнинг «Ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрган киши ҳақиқий мўминдир» деган каломи шарифлари бор. Агарда биз шу ҳадисга амал қилган ҳолда ўзимиз 3-4 марталаб Ҳажга бормасдан, бошқа мусулмонларга ҳам жойимизни берсак бу ҳақиқий мўминнинг сифатларидан биттаси бўлади. Умуман исломда шариат ҳукмларига биноан оқилу балоғатга етган, молу дунёси етарли эркагу хотинга Ҳаж қилишлик фарздир. Шу кеча-кундузда биз кўпроқ кексаларимизни — ота-оналаримиз, бобо-момоларимизни муборак ибодатларни адо этишликка имконият туғдириб беришликка биз ёшлар ҳаракат қилишимиз керак.

**— Тақсир, Ҳаж сафарини ташкил этиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланмиш маҳаллаларга берилган ваколатлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Бу йилги Ҳаж маросимининг асосий тартиботлари маҳаллаларга юклатилди. Яъни, уларга маҳаллалардан Ҳажга борувчи мусулмонларни саралаш ҳуқуқи берилди. Бу ҳам сиёсатимизнинг оқилона тарафидир. Энди Ҳаж амалини адо этиш ниятида бўлганлар фақатгина маҳалла фуқаролар кенгашининг тавсияси билан ушбу муборак сафарга отланишга мушарраф бўладилар. Шу мақсадда шаҳримиз туманларидаги барча маҳаллаларга оқилона равишда ўринлар ажратиб берилган. Ўйлаймизки, маҳалла аҳлининг ўзи кимнинг муносиблигини яхши билганлиги сабабли Ҳаж сафари оқилона ташкил этилади.

**— Юқорида айтиб ўтганингиздек, шароити бор аёлларимизнинг ҳам Ҳаж амалини адо этишлари фарз қилинган.**



**Уларнинг маҳрамлари, яъни ҳамроҳлари хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Албатта, шариат аҳкомларига кўра аёлларимиз ўз маҳрамлари, яъни эрлари, эрларининг никоҳ қилинмайдиган укаси ёки акаси, поччаси, ўзининг отаси, ака-укалари, қайнотаси, фарзанди, ака-укаларининг фарзандлари, тоғаси, амакиси кабилар ҳамроҳлигида Ҳаж сафарига боришларига рухсат этилгандир. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳрамсиз борган аёлларнинг Ҳажлари қабул бўлмайди. Бундан ташқари ота-оналари ҳаёт, лекин бетобликлари туфайли Ҳажга боролмайдиганлар ёхуд ота-оналари вафот этган кишилар учун илгари ўзлари Ҳаж рукнини адо этган ўғил-қиз, қавму қариндош, ака-ука, қўни-қўшни, солиҳ мусулмонларнинг Ҳаж қилишлари мумкин бўлади. Бу Ҳажи бадал дейилади.

**— Ўтган йилларда бўлғуси ҳожиларимиз учун давлат томонидан ҳар томонлама яхши шарт-шароитлар яратилган эди. Бу йил бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Аввалaмбор ўтиш даврининг муайян иқтисодий қийинчиликларига қарамасдан Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ юртимиздан сафарга отланган ҳар бир ҳожига 1380 долларлик маблағни имтиёзли тарзда конвертация қилишга шароит яратиб бергани учун Йўлбошчимиз ва ҳукуматимизга катта миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Бу йил ҳам Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раҳбарлари томонидан ишчи гуруҳлари тузилган. Ҳожиларнинг ҳар бир гуруҳига араб тилини мукаммал биладиган, ўша ер шароитлари ва шариат аҳкомларини тўлиқ тушунадиган мутахассислар бошлиқ сифатида тайинланган. Шунингдек, «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга кўра Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан табиблар ажратилиб, ҳожиларга бу ерда ҳам, Саудия Арабистонида ҳам хизматда бўладилар. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита муассислигида қаноат, мувофиқлаштириш маркази очилган бўлиб, ушбу марказ ходимлари бошчилигида Ҳаждан олдин Самарқанд вилоятидаги Исмоил ал-Бухорий мақбараси ва Самарқанд шаҳридаги зиёратгоҳларни зиёрат қилиш ташкил этилади. Шунингдек, Саудия Арабистонининг Маккаи Мукаррама шаҳридаги «Кудай» меҳмонхонасида ҳожиларимиз кутиб олиниб, уларга барча тегишли шарт-шароитлар туғдирилади.

Ҳурматли ҳожиларимизга тилакларимиз эса қуйидагича: уларга соғ-саломат исломнинг бешинчи рукнини адо этиб, аҳли байт — бола-чақалари билан юз кўришиш насиб этсин. Юртимиз тинч, обод, фаровон бўлиб, диёримиздаги барча мўмин-мусулмонларга имкон яратиб берган муҳтарам Президентимиз ҳаммамизга бош бўлиб, давлатимиз келажагини буюк қилиш йўлида олиб бораётган ишларига Яратганнинг ўзи баракотлар нозил қилсин.

*Суҳбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ.*

Тадбиркорлик

# «САОДАТ» СИЗГА МУНТАЗИР

***Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги шароитда ҳамма соҳада бўлгани каби савдо тармоқларида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлмоқда. Аҳолига жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга интилаётган савдо шохобчалари — супермаркетлар сони пойтахтимизда ҳам кўпайиб бормоқда.***

***Жамоатчи мухбиримизнинг пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Саодат» супермаркети раҳбари Холида Одилова билан суҳбати харидорларга савдо хизмати кўрсатиш билан боғлиқ янгиликлар, яқин келажакдаги истиқболли режалар ҳақида борди.***



**— Холида Аловиддиновна, сиз фаолият кўрсатаётган супермаркетнинг оддий савдо дўконларидан фарқини ҳамма ҳам билавермаса керак. Бу ерда харидорлар учун қандай қулайликлар бор? Бундан ташқари марказнинг аҳолига хизмат кўрсатишдаги имкониятлари ҳам кенгроқ бўлиши табиий ҳол. Шундай эмасми?**

— Тўғри, супермаркетимизнинг савдо хизмати кўрсатишдаги ўзига хос қулайликларини барча харидорларимиз ҳам билавермайди. Лекин бир-икки бор биздан маҳсулот харид қилган мижозлар афзалликларни тезда идрок этишлари қийин эмас.

Биз дастлаб Тошкент шаҳар савдо — ҳиссадорлик жамияти тасарруфида эдик. Ўтган 1997 йили савдо марказимизга супермаркет мақоми берилди. Эндиликда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш имкониятларимиз тобора ортиб бораяпти. Куни кеча Германиянинг «Грозет» фирмаси раҳбари Тоҳир Муҳаммад-Шайхов билан ҳамкорлик қилиш ниятида шартнома туздик. Шартномада Германиядан биз учун зарур бўлган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва тайёр маҳсулотларни қадоқлаш ускуналарини олиб келиб ўрнатиш кўзда тутилган. Демак, республикамиздаги бошқа савдо супермаркетларидан фарқли ўлароқ маҳсулотларимиз ассортименти, сифати билан ажралиб туради ва харидоргир бўлади.

**— Баъзи мижозлар билан суҳбатлашганимизда улар супермаркетдаги қулайликлар, маҳсулот турлари сероб ва сифатлилигидан ташқари нархи ҳам арзон экан, деб фикр билдиришди.**

— Рост. Бизда харидорлар ўз-ўзларига хизмат қиладилар. Турли-туман моллар, кийим-кечак ва маҳсулотлар қўйилган жавонлардан ўзларига ёққанини танлаб олиш имкониятига эгадирлар. Пештахталаримиздаги озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотларининг бари қадоқлаб қўйилган. Бу ҳол уларнинг сифатлилигини ҳам таъминлайди, харидор ўзига ёққан маҳсулотни олгач, назорат кассаси орқали ҳисоб-китоб қилиб кетаверади. Кўпгина маҳсулотларимизнинг нисбатан арзонлиги эса, биз ишлаб чиқариш корхоналари билан бевосита ҳамкорлик қилиб, шартнома асосида тўппа-тўғри аҳолига иложи борича воситачиларсиз етказиб беришга ҳаракат қилаётганлигимиз сабаблидир.

Айни пайтда 13 та бўлимда 1200 хилдан зиёдроқ моллар мавжуд. Бўлимларда эса 100 нафарга яқин ходимимиз савдо хизмати кўрсатишмоқда.

Биномизнинг биринчи қаватида озиқ-овқат, заргарлик, чинни идишлар савдоси билан шуғулланадиган бўлимлар жойлашган. Озиқ-овқат бўлимида 8 та меъёрланган маҳсулотлардан ташқари гўшт, сут, колбаса, тухум, парранда гўшти, пишлоқ, қаймоқ каби маҳсулотларни доим харид қилиш мумкин. 2 ва 3-қаватларда эса катта ва кичик ёшдагиларга мўлжалланган кийим-кечаклардан тортиб, барча керакли жиҳозлар савдоси ташкил қилинган.

**— Супермаркетнинг келгусидаги режалари, истиқболлари хусусида ҳам тўхталсангиз...**

— Яқинда бир дугонам Италияда бўлиб қайтди. У ерда супермаркет, гипермаркет дўконларида бўлганлигини гапириб берди. Унинг ҳикоя қилишича, сатҳи 6 минг квадрат метрли супермаркетларда 30 минг хилдан ортиқ маҳсулотлар билан савдо қилинар экан. Гўштнинг ўзидан 140 тури, колбасанинг 50 тури мавжуд дейди. Гипермаркетлар эса ундан ҳам узунроқ бўлиб 50 гектар майдонни эгаллар экан.

Дугонамнинг сафар таассуротларини эшитиб, ўйладим: мева-сабзавоту ширин-шакар полиз маҳсулотларига бой бўлган бизнинг жаннатмакон ўлкамизда ҳам ана шундай савдо шохобчалари бунёд қилиб бўлмас эканми? Бўлади! Чунки, Истиқлол бизга тадбиркорлик учун барча имкониятларни берди. Биздан эса эндиликда изланиш, шижоаткорлик ва ташаббус кўрсатиб ишлаш талаб этилади, холос.

Супермаркетимизда ҳам маҳсулот турларини кўпайтириб, аҳолига хизмат маданиятини оширишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Мақсадимиз супермаркетимиздаги савдо маданиятини жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги дўконлар даражасига кўтаришга ҳисса қўшиш. Ниятимиз бу ерга ташриф буюрган ҳар бир инсон хизматимиздан кўнгли тўлиб чиқиб кетсин.

*Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

«Ташаббус — 98»

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан ўтказиладиган республика тадбиркорлари ва ҳунармандлари «Ташаббус—98» танловининг шаҳар босқичининг ўтказилишини газетамизда эълон қилган эдик.***

Шаҳар босқичи иштирокчилари туманларда бўлиб ўтадиган танлов якунларига кўра аниқланади. Ана шунга кўра танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтадиган кунлар белгиланди.

◆ 10 февраль куни бирданига иккита туманда танлов бўлиб ўтади. Собир Раҳимов туманида агрегат заводи клубида, Бектемир туманида республика рассомчилик коллежида танлов ўтказилади.

◆ 11 февраль куни Шайхонтоҳур тумани иштирокчилари Беньков номли бадиий рассомчилик билим юрти биносида тадбиркорликларини намойиш этишади.

◆ 12 февралда эса Чилонзор тумани (оперетта театрида) Акмал Икромов ва Мирободтуманлари (ҳокимлик биноларида)нинг танловлари бўлиб ўтади. Сергели тумани тадбиркор ва ҳунармандлари 13 февраль куни «Электромаш» заводи биносида танловга якун ясасалар, 16 февралда ҳокимлик биносида Ҳамза тумани, 17 февралда Мирзо Улуғбек тумани («Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти саройида) ишбилармонларнинг ишларига баҳо берилади.

◆ Яккасарой туманида бўлиб ўтадиган танлов туман босқичларининг якуни бўлади. У «Табассум» қаҳвахонасида 19 февралда бўлиб ўтади.

***«Ташаббус — 98» танловининг шаҳар босқичини февраль ойининг охирида ўтказиш режаланган.***

Куюнчаклик билан ёзилган

# КИРА ҲАҚИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

***Эрталаб соат саккиз яримлар чамаси «Қозоғистон» бекатида автобус кутиб турардик. Бекатга келиб тўхтаган 115-йўналиш бўйлаб қатновчи АС—10 «011» рақамли машинадан гуриллаб йўловчилар туша бошлашди.***

Чипта тарқатувчи ўрта эшикда туриб олиб, тушаётганлардан бирма-бир йўлкира ҳақини йиғиб ола бошлади. Олдинги эшикдан тушганлар эса ҳайдовчи назоратида эди. Биз бу манзарани кузата туриб, балки улар икки бекат оралиғида тушувчиларга чипта тарқатишга улгурмай қолишгандир деб ўйладик. Афсуски, бу фикримиз нотўғри бўлиб чиқди. Чиптачи аёл салон оралаб йўловчиларга чипта сотиш ўрнига кела-келгунча ҳайдовчи кабинасида гап сотиб келди. Ҳар бекатда эса юқоридаги манзара такрорланаверди.

«Зобитлар уйи» бекатига келганимизда машинанинг ўрта эшиги мутлақо очилмади. Манзилга етиб келганлар чиптачининг: «Қани, ҳаммаларингиз олдинги эшикдан тушинглар», деган дағал сўзини эшитиб, ўша томон интилишди. Баъзи эътироз билдирганларга: «Сизлар кўпчилик, мен эса биттаман, чарчадим» қабилида сўз айта бошлади. Шунда кимдир, «Вой, ёш нарса эрталабдан чарчашга бало борми?» деган гап айтди. Лекин чиптачи ва ҳайдовчи бу гапларга мутлақо эътибор бермай, йўловчилардан бирма-бир йўлкира ҳақини ундириш билан овора эди...

Транспортда содир бўладиган бундай кўнгилсиз воқеанинг ҳар куни гувоҳи бўлиб турсак-да, яна бир-икки йўловчи автобус ва троллейбуслар ишини кузатишни лозим деб топдик. Орадан кўп ўтмай бекатга 51-йўналишли давлат белгиси ТНИ—03—85 рақамли автобус келиб тўхтади. Бу машинадан тушган йўловчилар ҳам чипта тарқатувчи қўлига йўлкира ҳақини тутқазиб кетишяпти. Улардан бирини тўхтатдик.

— Нега назоратчидан чипта талаб қилмай туриб, пул бериб кетаяпсиз?

У бизнинг саволимизга «Нима, шуни ҳам билмайсизми» маъносида қараш қилди. Шундай сўровимизга бошқа бир киши: «Бунга йўловчиларнинг ўзлари ҳам кўникиб қолишган. Ҳадеб гапиравериш га эса уяласан. Кўраяпсизку, сумкасида чиптаси бўла туриб, бутун йўл давомида ҳеч кимга чипта бермай, тушаётганлардан нақд пул йиғиб олаяпти. Лекин ҳеч ким унинг мушугини пишт демаяпти», — деди бизга қараб.

Қисқа муддат ичида бекатга келиб тўхтаган 60-йўналишли ТНП 60—82 рақамли автобус ва 10-йўналишда ҳаракат қилувчи 13—53 рақамли троллейбусларда ҳам шундай ҳолатни кузатдик. Бу 10—15 дақиқа давомида рўй берган манзара. Кун бўйи эса бунақа кўринишдан қанчаси содир бўларкин? 22 январь кунги манзара яна бир ташвиш уйғотди: йўловчилардан тушаётган мўмай даромаднинг бир қисми киссага тушарди. Шундай бўлгач кунлик режа бажарилишига ким ҳам кафолат бера олади?

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

Матбаа

# «ШАРҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

***Яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази нашриётида муаллифлар Акмал Саидов ҳамда Абдулҳаким Шаръий Жузжонийларнинг «Шарқ ва инсон ҳуқуқлари» номли китоби босмадан чиқди. Ушбу рисоланинг бугунги кундаги аҳамияти борасида доктор Абдулҳаким Шаръий Жузжоний қуйидагича сўз юритади:***

— Тоталитар тузум даврида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ёки жаҳон Декларациясига оид китоблар ҳеч вақт нашр этилмаган. Мана истиқлол туфайли бу мавзуларда турли қўлланмалар, рисолалар чоп этилиб, айни вақтда ўз ўқувчиларига эга бўлди. Шу билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг ўттизта моддаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари республикамиз Президенти таважжуҳлари билан ҳам инсон эрки ва ҳуқуқлари масаласига катта эътибор берилмоқда. Ўйлайманки «Шарқ ва инсон ҳуқуқлари» китоби ушбу соҳада янги шарқ таълимотида биринчи маротаба чоп этилганлиги билан аҳамиятлидир. Ғарбда «Нур шарқдан келади» деган бир мақол бор. Ҳақиқатан турли маданият ва илму фан соҳасида шарқ мутафаккирларининг асарлари Ғарбга ўтиб ғарб тилига таржима қилиниб, ўшандан кейин юксалган. Биз бу соҳалардаги ютуқларимизни бошқа халқлардан олган эмасмиз. Инсон ҳуқуқлари бўйича шарқ давлатлари халқларида ҳатто бундан минг йил олдин ҳам бу борада маълум тушунча ва фикрлар мавжуд бўлган. Айни вақтда ушбу китоб шарқ мутафаккир ва олимлари томонидан билдирилган назарияда инсон ҳуқуқлари қанчалик юксак мақомга эга эканлиги ҳақида етарли маълумот беради. Мен истардимки, бизнинг зиёлилар китобдан бир қўлланма сифатида фойдаланcалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Очил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.*

# ЁШ ОЛИМПИЯЧИЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ




***Шаҳримиздаги Олимпия ўринбосарлари билим юртида спортнинг ўн тўрт тури бўйича спорт усталари тарбияланади. Ёшлар спорт маҳоратларини эгаллаш билан бирга бу ерда билим сирларини ҳам олишади. Ўзбек спорти учун ёш, умидли йигит-қизларни етиштириб бераётган бу даргоҳга қандай қабул қилинади? Биз дастлаб шу савол билан билим юрти директори Эркин Ғиёсовга мурожаат этдик.***

— Бизнинг ўқув юртимизда 600 дан зиёд ўқувчилар ўқиб туришибди. Улар Ўзбекистоннинг бутун вилоятларидан тўпланган. Спортда маҳорат кўрсатган болаларни йиғганмиз. Бизлар еттинчи синфни битирган, саккизинчи синфга ўтган ўқувчиларни қабул қиламиз. Спортнинг ўн тўрт туридан ҳар турга беш-олтита бола тўғри келади. Бу ерда мусобақа ўтказамиз. Танлов қилиб, катта синовдан ўтганларни оламиз.

**— Эркин ака, билим юрти спортчиларининг кейинги йиллардаги муваффақиятлари қандай бўлди?**

— 1997 йилда 51 та халқаро мусобақаларда ўқувчиларимиз иштирок этишди. 98 та республика мусобақаларида қатнашишди. 35 та медаль олиб келишди. Шундан 15 таси олтин, саккизтаси кумуш, еттитаси бронза медаллари бўлди.

Давлатимиз спортга катта аҳамият бермоқда. Бизнинг ўқувчиларимиз қишда бўладиган Осиё ўйинларига ҳам катта тайёргарлик кўришмоқда.

***Футбол-миллионлар ўйини бўлиб келаётган спорт тури. Бу ерда футбол ўз тарихи ва мавқеи билан эътибор топган. Билим юртининг моҳир футбол устозларидан бири Баҳодир Тошмуҳамедов миллий футболимиз, унинг келажаги ва муаммолари хусусида тўхталди.***

— Биз республикамизнинг ҳар битта вилоятидан болаларни кўриб, энг талантли футболчиларни қабул қиламиз. Улар билан техник, тактик ва жисмоний машғулотлар олиб борилади. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўсмирлари шу мактабда тарбияланади.

— Биз билим юрти талабалари билан ҳам суҳбатлашдик.

**• Жаҳонгир МУРОДОВ, билим юртининг иккинчи курс толиби:**

— Мен кураш тури билан шуғулланаман. Яқинда Жizзах шаҳрида ёшлар мусобақаси ўтказилди. Бу мусобақада бизнинг билим юртимиз ўқувчилари қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритишди. Бу муваффақиятдан чегараланиб қолмай, яна машғулотларни қизғин олиб бориб ўқишни давом эттиряпмиз.

**• Зоиржон АЗИМОВ, билим юртининг биринчи курс толиби:**

— Мен устозларимдан жуда миннатдорман. Машғулотларда доим ёрдам беришади. Икки маротаба Туркияга бориб келдик. Яхши иштирок этиб, медаллар билан қайтдик. Яқинда эса Америкага бориб, кураш мусобақасида иштирок этиб, яхши натижалар билан келдик.

**• Улуғбек МЎМИНОВ, Наманган шаҳридан:**

— 1997 йили Олимпия ўринбосарлари футбол мактабига ўқишга қабул қилиндим. Келгусида мана шу спорт мактабини битириб, кучли жамоаларда тўп суриб, масалан «Пахтакор», «Нефтчи» каби жамоаларда тўп суриб, ўз маҳоратимни оширмоқчиман.

*Фатхулла ҲИКМАТОВ.*

Набомом

# САБЗИНИНГ ЯНА БИР ХОСИЯТИ

***Сабзи — сабзавот экинлари турига киради. У деярли кундалик таомларда ишлатилсада, шифобахшлик хусусиятларини кўпчилик яхши билмайди. Шу боисдан қуйида сабзи хосияти ҳақида сўз юритамиз.***

Маълумки, сабзининг ёввойи ва экиладиган (ўстириладиган) турлари мавжуд. Унинг ёввойи тури ейилмайдиган ингичка бўлиб, ўқ илдизи билан хонакисидан фарқланади. Ватани — Ўрта Ер денгизи мамлакатларидир.

Табобатда ёввойи сабзининг фақат меваси, баъзан эса уруғи қўлланилади. Меваси таркибида эфир мойи, ёғ, флаваноидлар ва ўн бир хил микроэлементлар сақлайди. Уруғи ичак оғриқларини босади, кучли пешоб ҳайдаш хосияти бор.

Шуниси диққатга сазоворки, ёввойи сабзи уруғининг суюқ экстракти «Уролесан», таркибига киради. «Уролесан» янги доривор препарати саналади. У буйрак-тош ва ўт-тош хасталигида, тузли диатез, ўткир ва сурункали пиелонефрит, холецистит, холангиегепатит каби касалликларни тузатишга яхши самара беради.

Кишилар истеъмол қиладиган сабзининг эса илдиз меваси, барги ва меваси ишлатилади. Халқ тиббиётида сабзи азалдан рак касаллигига шифо сифатида ишлатииб келинган. Буни қарангки, замонавий тиббиёт унинг бу хосиятини тасдиқлади. Матбуот хабарига кўра, Кобе шаҳридаги Япония соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муниципалитет илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари ўтказган тажрибалар натижаси сабзи таркибида ёмон шишларнинг зўрайиб кетишини тўхтатадиган моддалар борлигини ҳам кўрсатди.

Шифохонадаги синовлар вақтида институт ходимлари кемирувчи ҳайвонларга овқат билан биргаликда рак шишлари қўзғайдиган концероген моддаларини бериб кўришди. Айни вақтда бу ҳайвонларга одатда одамлар истеъмол қиладиган сабзавотларнинг ўн хилидан (шу жумладан сабзи) тайёрланган шарбатлар берилганида сабзавот шарбатлари ҳам нохуш жараёнларнинг пайдо бўлишига анчагина тўсқинлик қилиши аниқланди.

Экиладиган сабзининг илдиз мевасида ҳаёт учун зарур бўлган витаминлар — $B_1$, $B_2$, PP, C, K, каротинлар, фитоен, ликопин, антоцианидин, қандлар, ферментлар сақлайди. Мева таркибида эфир мойи, ёғ, флавоноидлар, баргида эса витамин $B_2$, C, каротинлар борлиги аниқланган.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино сабзи илдиз мевасини ичак оғриғи, сурункали йўтал ва пливрит хасталикларига даво қилган. Сабзининг саримсоқ ва зайтун билан қўшиб пиширилгани қоринда сув йиғилишида яхши наф келтиради. Илдиз мевасидан ажратиб олинган шира ёки сутда қайнатилгани овоз чиқмай қолиш, буйрак тош, авитаминоз (организмда витамин етишмаслиги), камқонликда, кўз кўриш қобилияти сусайганда (хиралашганда), эпителей тўқимасининг дистрофик ўзгаришида, жигар каби хасталикларда малҳамдир.

Тиббиётда сабзи уруғидан «Даукарин» препарати олинган. Бу дори спазмолитик таъсирга эга, тож томирларни кенгайтиради, стенокардия (кўкрак қисиш, паришонхотирликда, бронхиал астмада қўлланилади. Янги сиқиб олинган шираси эса наҳорга 100—200 граммдан буйрак, ўт-тош хасталиклари борларга буюрилади.

Бир стакан сабзининг янги шираси бир неча қошиқ асал билан аралаштирилади. Тайёрланган бу [illegible]ори 4-5 маҳал бронхит, ларингит касалликларида истеъмол қилинади. Эрталабки нонуштада болаларга олма, қаймоқ ва бир стакан сут билан сабзи бериш уларнинг соғлиғини м[illegible]таҳкамлашга катта ёрдам беради. Ҳа, сабзи витаминларга бой маҳсулот!

*Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.*

Бу — қизиқ

## ХОТИРАСИ ЗЎР ЭКАН

• Жаҳонда ҳар хил тоифадаги, ҳар хил қобилиятли инсонлар бор. Ана шундайлардан бири ҳиндистонлик соҳиб бўлиб, у 23 ёшида машҳур бўлди. Соҳиб ўзининг хотирасида кўп сўз сақлай олиши билан танилди. У 3 соату 39 дақиқада 31 минг 811 та рақамни эслаб қолиб, қайта сўралганда ёддан айтиб берди. Худди шундай услубдаги аввалги рекордчи — 9 соату 14 дақиқада 28 минг 13 та рақамни айтиб беришга эришган эди.

## ЭНГ УЗУН КАБОБ

• Бельгия шаҳрида турли хил маросимлар, халқ амалий ўйинлари катта бир байрам тарикасида ўтказилади. Ана шундай байрамлардан бири халқ оғзаки ижодига бағишланди. Бу байрамда иштирок этганларнинг барчаси ўз маҳоратларини намойиш этишди. Улар ичида моҳир кабобпаз кабоб сихининг узунлиги 225 метру 30 сантиметр келадиган кабоб тайёрлаб оламга машҳур бўлди. Кабобни тайёрлаш учун атиги 1600 килограмм гўшт ҳамда 150 килограмм кўмир сарфланди.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА тўплаган.*

Ҳукм

# «ЎПҚОН» ПОРАХЎР ТУШДИ ҚОПҚОНГА

***Ўтган йил ёзнинг сўнгги палласида шаҳар коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш бошқармаси раҳбарияти томонидан Навоий кўчасида жойлашган «Дўстлик» меҳмонхонасида катта миқдорда содир бўлаётган порахўрлик жиноий ҳолатига чек қўйиш юзасидан милиция полковниги Эркин Қаюмов режаси асосида «Тузоқ» операцияси ўтказиш тадбири ишлаб чиқилди.***

Бу тадбирни амалга ошириш Юнусобод-Яккасарой коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш туманлараро бўлимининг бир гуруҳ тажрибали тезкор ходимлари — милиция зобитлари Неъмат Аҳмедов, Шерзод Жалолов ва Мирмаҳмуд Мираҳмедовларга топширилди.

Шаҳар ва туманлараро тезкор хизмат бошлиқлари номига келган бир маълумотда «Дўстлик» меҳмонхонаси 1-2-корпуслари мудираси Сария Гайфутдинованинг фаррош-оқсочликка ишга кирувчи аёллардан уларни ишга қабул қилганлиги учун катта миқдорда пора олаётганлиги хабар қилинган эди. Аниқ ва пухта тузилган режани амалга оширишга «Дўстлик»ка иш сўраб бориб, пора беришга қурби етмаган фуқаро Мадинабону Аҳророва таклиф қилинди. Мадинабону меҳмонхона корпуслари мудираси Гайфутдиновадан уни ишга олишни илтимос қилганида мудира ундан нақд 20 минг сўм ёки 100 доллар миқдорида «кириш ҳақи» талаб қилган экан. Кейинчалик бўлиб ўтган суриштирув, сўроқ, тергов ҳаракатларидан аниқланишича М. Аҳророва мудирага яна қўшимча равишда ҳар ойда 4 минг сўм миқдорида мунтазам «ўлпон» ҳам бериб туриши шарт экан.

«Тузоқ» режасига кўра 20 минг сўм миқдоридаги махсус «қўғирчоқ пули» тайёрланди. Шунча миқдордаги пулларнинг рақамлари алоҳида рўйхатда қайд этилди. «Қўғирчоқ» пулига пора олувчининг бармоқ изларини акс эттирувчи махсус кимёвий люминистинт ишлови ҳам берилди. Гувоҳ Аҳроровага ўзаро суҳбатни ёзиб олувчи махсус магнитофонча ҳам берилди. Пул берилаётган жараёндаги ўзаро суҳбат шу магнитофонга ёзиб олиниши керак эди. Холис гувоҳлар тайинланди.

Шундан сўнг келишувга биноан гувоҳ М. Аҳророва 20 минг сўмни олиб меҳмонхона бекаси Сария Гайфутдинова хонасига ташриф буюрди. Қуюқ салом билан кирган Мадинабону порани уни шу даргоҳга ишга қабул қилиш ҳақида ёзилган аризага қўшиб топширди. Пулни сумкасига солиб хурсанд бўлиб кетган Сария унга: «Сен бугундан бошлаб 2-корпусда фаррош-оқсоч вазифасида ишлашга қабул қилиндинг, табриклайман», дейиши билан тезкор гуруҳ томонидан холис гувоҳлар иштирокида ҳали излар босилмасдан туриб жиноят устида қўлга олинди. «Тузоқ» операцияси шу йўсинда муваффақият билан якунланди. Суриштирув, тергов жараёнида қуйидагилар маълум бўлди.

Порахўр мудира Сария Гайфутдинова ўрта маълумотли бўлиб, ўзининг аввалги хизмат фаолияти даврида бир қанча ресторан, меҳмонхоналарда официант, навбатчи маъмур лавозимларида ишлаб келган. Хулқ-атворининг «мураккаблиги» туфайли оилавий ҳаётда ҳам омади келмаган. Порахўрликка 1997 йилнинг июль ойидан, яъни шу меҳмонхонанинг 1-2-корпуслари мудиралигига тайинланган вақтдан бошлаб «фаол» киришган. У пора олиб қўлга тушганига қадар бўлиб ўтган 13 ойлик хизмат «фаолияти» давомида ўз қўл остида ишлаган ходимларнинг ҳар биридан ҳар ойда уларни қўрқитиш, фирибгарлик усуллари билан 2 минг сўмдан 5 минг сўмгача нақд пора пули олиб келган. Масалан, фаррош ходималар Г. Кондрашовадан 1997 йилнинг июнь ойидан, 1998 йилнинг июль ойигача 24 минг сўм; Л. Каминскаядан 15 минг 500 сўм; Р. Ҳайдаровадан 13 минг; Н. Михайловадан 14 минг 500 сўм ундирган. Порахўр мудира ўзи билан ишлаб келган юқорида номлари қайд этилган хизматчи аёллардан ташқари яна Л. Туркина, Г. Севергина, Р. Ғофуржонова, Д. Умаровалардан ҳам катта миқдорда — 100 минг сўм атрофида пора олган. Шу даргоҳга ишга кирувчилардан ҳам мудира ўзи тузган поғонавий режа бўйича миллий ва чет эл валютаси билан «кириш» ҳақи пораси олиш усулини кенг кўламда қўллаган. Мисол учун у Н. Михайловадан уни ишга қабул қилганлиги учун 100 АҚШ доллари, А. Туркинадан ҳам 100 АҚШ доллари ҳамда 9 минг сўмни қуртдек санаб олган. Мудира қўл остидаги ходималар «одат» бўйича Янги йил, 8 Март, «Наврўз», Мустақиллик байрамлари арафасида ҳам туймас «ўпқон»га совға сифатида қимматбаҳо нарсаларни ҳадя қилиб турганлар. «Солиқ» тўламаганлар қаттиқ таъқибга мубтало қилинган. Мудирага «солиқ» тўламай жабр кўрган Людмила Шестаева, Людмила Каминская ва Людмила Туркиналар «Нима учун сизлар ўз инсон-фуқаролик ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органларига порахўр мудира қилмишлари юзасидан уни фош этиш учун мурожаат қилмадинглар?!» деган саволга «Мудира бизни турли баҳоналар билан ишдан бўшатиб юборишидан қўрқдик», деган жавобни бердилар. Зеро, мудира ана шундай бўйсунмас ходимларни «ўғирлик»да айблаб ишдан ҳайдар, меҳнат дафтарчаларини эса булғаб-қоралаб берар экан. Жумладан, 1952 йилда туғилган, 30 йилдан бери фаррош-оқсочлик, официант вазифаларида хизмат қилиб келган Людмила Шестаева оилавий-иқтисодий сабабларга кўра ойлик «пора»ни тўлашдан бош тортганлиги учун меҳмонхона хизматидан фойдаланган тадбиркорнинг шахсий буюмларини «ўғирлаганликда» айблаб ишдан бўшатилган.

Меҳмонхона бошлиғи Анвар Асқаровдан «Сиз бош бўлган меҳмонхонада 13 ой давом этган, анъана тусига кирган ўта оғир жиноят-порахўрликдан бош тортган ходималарни ноҳақ ишдан бўшатилишидан хабарингиз бормиди?» деган саволимизга у «Мен бундай ноқонуний ғавғолардан бутунлай бехабар эдим», деган жавоб қайтарди. Наҳотки, шундай бўлса?

Тошкент шаҳар Юнусобод туман судида судья Эркин Юсупов раислигида, халқ маслаҳатчилари Пўлат Одилов, Нозима Эшонқулова, давлат қораловчиси — туман прокурорининг ёрдамчиси Рустам Ҳакимов, ҳимоячи Раиса Муратова иштирокида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида 1951 йилда туғилган Сария Гайфутдинованинг жиноий иши кўриб чиқилди. Суд Жиноят Кодексининг 210, 28-211-моддаларининг бир қанча бандлари асосида Сария Гайфутдиновани 9 йил озодликдан маҳрум қилишга, мол-мулкини эса мусодара этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шу йўсин жамиятимиз, иқтисодий ислоҳотларимиз ривожига ғов бўлган яна бир оғир жиноятга чек қўйилди.

*Малик НУРИДДИНОВ, Дилшод ИСРОИЛОВ.*



*Шаҳримиздаги 28-мактабда фаолият кўрсатаётган қизлар клубида қизлар уй-рўзғор ишлари, ахлоқ-одоб, ўзини тутиш маданияти борасидаги кўпгина ибратли маслаҳатларни клуб раҳбари, тажрибали педагог Мастура Қобуловадан олмоқдалар. Бу эса уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида етакчи омил ҳисобланади.*

*СУРАТДА: Мастура Қобулова клуб қизлари даврасида.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

Турфа олам

# АЖОЙИБОТЛАР

Белградлик бир аёлнинг баданида кремний, магний ва кумуш бирикмалари аралашган металл бўлаклари униб чиқадиган бўлибди. Ажаб, узунлиги бир сантиметргача келадиган бундай яра ва оғриқли ўсмалар ер қимирлаши, сув тошқини ёки бошқа бирор хавф-хатардан тўрт кун илгари пайдо бўлар экан.

* * *

Бенгалиялик 24 ёшли С. Доснинг олтита ошқозони бор экан. Шунинг учун ҳам у ҳар куни 15 килограмм нон, 2 килограмм хантал, 15 литр сут, 30 литр сув, бир челак чой, шунингдек, ҳўл мева, сабзавот, ошқовоқ, банан — жами 80 килограммга яқин овқат истеъмол қилар экан.

* * *

Прагада ҳаётда камдан-кам учрайдиган бир ҳодиса рўй берган. Шу ерда истиқомат қилувчи бир аёл фарзанд кўрган. Боланинг юраги кўкрагидан ташқарида жойлашган экан. Юрак жуда суст урар, баданининг ҳарорати эса 40 даража атрофида бўлган.

*Амир ҲАЙДАРОВ.*

«02»

# ДОЛЛАР ОЛАЁТГАНДА ҚЎЛГА ТУШДИ

***Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар натижасида доллар домига тушган айрим кимсаларнинг қилмишлари аён бўлиб, улар жиноят устида қўлга олиндилар. Тадбирларнинг қандай ўтганлиги, кўпнинг ҳақига кўз олайтираётганлар кимлар эканлиги тўғрисида гапириб беришни шаҳар ИИББ коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция майори Аъло Умаровдан сўрадик.***

**— Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ҳар биримиз ва ҳар бир соҳа учун ўзига хос масъулиятни келтириб чиқаради. Айтингчи, сиз бошлиқ бўлим зиммасига қандай вазифалар юклатилган?**

— Ҳақиқатан ҳам бугун ҳар биримиз учун ниҳоятда масъулиятли давр. Ривожланган ҳуқуқий давлатни қуришдек олижаноб мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз бу борада ҳар бир фуқаро бутун вужуди, виждони билан меҳнат қиладиган давр. Ана шу меҳнатларимиз меваси эрта-индин ўз ҳосилини беришига ишончим комил.

Бўлимимиз ўз олдига бюджет, банк, валюта ҳамда давлат бошқарув органларида коррупция ва жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб боради.

**— Гапингиздан англадикки, бўлим иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликларни фош этиш билан шуғулланади...**

— Ҳа. Сўзимнинг бошида бу соҳадаги жиноятларга ҳуқуқшунос сифатида бироз таъриф бериб ўтмоқчиман. Иқтисодий жиноятлар — миллий иқтисод, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зиён етказиши мумкин бўлган ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Оддий тил билан айтганда давлат, жамоат, жамоат бирлашмалари ёки фуқароларга моддий зиён етказувчи, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилувчи жиноятларга айтилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бўлимимиз олдига порахўрлик, ўзгалар мулкини ўзлаштириш, товламачилик, фирибгарлик, қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш, валютани қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш ҳамда бошқа турдаги иқтисодий жиноятларга қарши кураш киради.

Кейинги пайтларда ходимларимиз томонидан бир неча мансабдор шахслар ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб пора олаётганларида қўлга олиндилар.

Миробод тумани солиқ инспекциясининг собиқ ходими Ф. Зиёев фуқаро Д. Ҳакимовадан фирманинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва тугатиш учун 500 АҚШ долларини олаётганида ашёвий далил билан қўлга олинди.

Худди шунингдек Зиёевнинг ҳамкасби Ф. Зуҳуров ундан пора олишни ўрганиб олган экан. У фуқаро Н. Дубровинадан 5 минг 500 сўм миқдорида пора олаётганида қўлга олинди.

Акмал Икромов тумани ҳудудидаги «Ўрикзор» мавзесидаги қурилиш моллари бозорида шу туман солиқ инспекцияси ходимлари М. Ҳикматов, А. Худойберганов, А. Мирзаевлар тадбиркорлардан 1500 АҚШ долларини пора сифатида олишганида ходимларимиз томонидан ушландилар.

Пора олишдек оғир жиноятларга аёлларнинг қўл уриши ачинарли ҳолдир. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси инспектори С. Қодирова фуқаро М. Шариповадан фарзандликка ўғил олиш учун ёрдам бераман дея 300 АҚШ долларини олаётганида тумшуғидан илинди.

Порахўрлик йўли билан Миробод тумани техник инвентарлаштириш бюроси инспектори А. Илбутаев қаҳвахона очиш учун рухсатга фуқаро Е. Касимцевадан 50 минг сўмни олиб ҳазм қилмоқчи бўлганида тутилиб қолди.

Ҳамза тумани ҳокимлиги ходими Шмелева тадбиркор И. Юровдан 300 АҚШ долларини олаётганида қилмиши фош қилинди.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги бўлими мудири Г. Смоленкова «Қоратош» маҳалласи аҳлидан мунтазам равишда бузилган уйлар ўрнига квартира бериш учун пора олганлиги аниқланиб қўлга олинди.

Ҳа, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўриниши бугунги кунда мустақиллигимизнинг равнақига тўсиқ бўлиши шубҳасиз. Бундай тўсиқларни йўлдан олиб ташлаш ички ишлар ходимлари учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Доллар «касалига» учраганлар эса вақти-соати билан ўз жазоларини оладилар.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.*

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.**

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

Тошкент маданият Маркази

**ТУГАТИЛАДИ**

Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент, Миробод кўчаси, 163. Тел. 54-73-88.

Тошкент вилоятидаги 24-мактаб томонидан Х. Ж. Қосимов номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги № 444188 рақамли йўқолган гувоҳнома

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Чилонзор-таом» жамияти Чилонзор туман ошхоналар трестининг собиқ раҳбари Исоқ Исмоилович Алимовга рафиқаси **Башира АЛИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-094. Босмага топшириш вақти 11.30 123456